

**БИР ГУРУҲ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН МАЪМУРИЙ ВА
ЖИНОЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ БАҲОЛАШГА ОИД АЙРИМ
МУЛОҲОЗАЛАР****Жаббаров Зокиржон Қодиржонович**ИИВ Академияси Тергов фаолияти кафедраси доценти, юридик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)<https://doi.org/10.5281/zenodo.7574904>

Мамлакатимизда бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ одил судловни амалга ошириш вазифалари жиноий ва маъмурий судлар зиммасига юклатилган.

Дастлабки тергов ҳаракатларини амалга ошириш вазифалари терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов органлари зиммасига юклатилган¹.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўринли таъкидлаганидек, «билиб қўйинглар, инсон тақдирини ҳал этишда судьянинг онгида – фақат адолат, тилида фақат ҳақиқат, дилида эса поклик устувор бўлиши шарт»².

Биринчи президентимиз И.А.Каримов “Адолат қонун устуворлигида”³ дея бежизга таъкидламаган эди. Шу ўринда профессор Ғ.А. Абдумажидов “адолат ҳуқуқдан кенгроқ тушунча бўлиб, ҳуқуқ ва ахлоқнинг пойдевори ҳисобланади, зеро ҳуқуқ ҳам, ахлоқ ҳам адолат тантанаси учун хизмат қилади”⁴ дея ўринли таъкидлаган.

Шуни қайд этиш лозимки, суд амалиётда асосан бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган маъмурий ва жиноий ҳуқуқбузарликлар тўғри квалификация қилинмоқда. Бироқ, бугунги кунда, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни ҳуқуқий баҳолаш билан боғлиқ айрим мулоҳазалар кўзга ташланади.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 32-моддасида, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар жумласига кириши, белгилаб берилган бўлса-да, амал айрим судлар ва маъмурий жазони қўллаш ваколарига эга бўлган мансабдор шахслар маъмурий жазо чорасини қўллаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда сабаблар ва асосларни албатта кўрсатиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг Махсус [қисми](#) моддаларнинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо ёки ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа янада енгил

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2001. – № 9-10. – 168-модда; Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида» 2016 йил 12 августдаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2016. —38-сон. —438-м.

² Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т., 2018. – Б. 437.

³ Каримов И.А. Адолат қонун устуворлигида. Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. – Т., 2002, – Б. 38.

⁴ Абдумажидов Ғ.А. Расследование преступлений. Процессуально-правовое исследование. – Т., 1986. – Б. 22.

жазо чорасини қўллаши ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Аммо, фикримизча, айрим маъмурий ҳуқуқбузарликларни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг Махсус қисми тегишли моддасида алоҳида оғирлаштирувчи қисми сифатида бевосита “бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса” белгисини кўрсатиш зарурати мавжуд. Масалан, таълим муассасаси педагог ходимининг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралаштириш ёки ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш прокурорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ва унинг талабларини бажармаслик, ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчисининг (ходимининг) қонуний талабларини бажармаслик, Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг қонуний талабларини бажармаслик ва уларнинг қонуний фаолиятига қаршилик кўрсатиш ва яна шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликлар бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилишини кузатиш мумкин.

Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятларни баҳолашда айрим мулоҳозали ҳолатлар кўзга ташланади. Хусусан, амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси Умумий қисм VII боб 29-моддасида “Жиноятда иштирокчилик: оддий иштирокчилик, мураккаб иштирокчилик, уюшган гуруҳ, жинойий уюшма шаклида бўлади”⁵ деб белгиланган. Аммо, Жиноят кодекси Махсус қисми 97-моддаси (Қасдан одам ўлдириш) 2-қисми “п” бандида “бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда” деб квалификация қилувчи белги кўрсатилган. Бироқ, мазкур қасдан одам ўлдириш жинояти жинойий уюшма аъзолари томонидан содир этилган ҳолатларда қандай ҳуқуқий баҳо бериш масаласи қонунчиликда аниқ кўрсатиб ўтилмаган. Шунингдек, Жиноят кодексининг 118-моддаси (Номусга тегиш) 2-қисми “в” бандида “бир гуруҳ шахслар томонидан” ёки 119-моддаси (Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш) 2-қисми “в” бандида “бир гуруҳ шахслар томонидан” ёхуд Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир қатор бошқа моддаларида “бир гуруҳ шахслар томонидан” жиноят содир этилиши белгиси кўрсатиб ўтилган. Аммо, мазкур моддаларнинг диспозициясида “уюшган гуруҳ” ёки “жинойий уюшма” томонидан содир этилиши каби белгилар кўрсатиб ўтилмаганлиги боис, “бир гуруҳ шахслар томонидан” белгиси га асосланиб қилмишга ҳуқуқий баҳо бериш мумкинми ёки йқми?, яъни “уюшган гуруҳ” ёки “жинойий уюшма” томонидан содир этилган жинойий қилмишларни ҳам “бир гуруҳ шахслар томонидан” содир этиганлик белгиси билан квалификация қилиш ва ҳуқуқий баҳо бериш мумкинми? деган савол туғилади. Мазкур саволларга Жиноят кодекси Махсус қисмининг айрим моддалари назарда тутилган “бир гуруҳ шахслар томонидан” деб номланган диспозицияларини ўқиб жавоб топиш бироз мулоҳозали.

Шу ўринда қайд этиш керакки, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятларнинг квалификация қилиш барча ҳолатларда адолатли бўлмоғи лозим. Ф.М.Муҳитдинов «Жиноят процессининг моҳияти адолатни ўрнатиш экан, демак унга

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // URL: <http://www.lex.uz> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 06.01.2022).

олиб борувчи шаклни ўзи ҳам адолатли бўлмоғи зарур»⁶, деб ўринли таъкидлайди. И.А. Соттиев фикрича “Жиноят кодекси Махсус қисмининг айрим моддаларида яқка тартибда содир этилган жиноятларга нисбатан иштирокчиликда содир этилган жиноятларга оғирроқ жазо белгиланган. Бунга сабаб, иштирокчиликда содир қилинган жиноятлар жиноят содир этиш усуллари ичида анча хавфлиси хисобланади. Чунки бунда бир неча кишиларнинг кучлари бирлашади ва жинойий мақсадга эришишнинг қўшимча шароитлари вжудга келади”⁷.

Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тушунчаси суд-тергов органлари ходимлари ўртасида қай даражада тушунарли бўлаётганлигини аниқлаш мақсадида анкета сўрови ўтказилди. Унга кўра, Жиноят кодекси Махсус қисми тегишли моддаларида “уюшган гуруҳ” ёки “жинойий уюшма” томонидан содир этилганлигини кўрсатувчи белгилар кўрсатилмаган бўлса, сиз мазкур қилмишни мазкур моддада кўрсатилган “бир гуруҳ шахслар томонидан” белгиси билан ҳуқуқий баҳолаб, квалификация қиласизми?, деб сўралганида респондентларнинг 10 фоизи йўқ, чунки “бир гуруҳ шахслар томонидан” белгиси тор тушунча бўлиб, уюшган гуруҳ” ёки “жинойий уюшма” тушунчаларини ўз ичига қамраб олмайди, 84 фоизи ҳа, чунки “бир гуруҳ шахслар томонидан” белгиси кенг тушунча бўлиб, уюшган гуруҳ” ёки “жинойий уюшма” тушунчаларини ўз ичига қамраб олади, 6 фоизи эса, жавоб беришга қийналаман, дея жавоб берганлар. Бу каби мулоҳозали ҳолатлар эса, “бир гуруҳ шахслар томонидан” содир этилган жиноятлар тушунчасининг қонунчиликда асосланган ва янада тўлдирилган мазмунда тарифлаб бериш учун илмий тадқиқ этиш зарурати мавжудлигини кўрсатади.

Илмий адабиётларда “бир гуруҳ шахслар томонидан” содир этилган жиноятлар тушунчаси, “уюшган гуруҳ” ёки “жинойий уюшма” тушунчаси ва унинг белгиларидан фарқ қилиши хусусида олимларнинг фикрлари турлича. Улар орасида айрим олимлар мазкур масала хусусида фикр юритган. Жумладан, Жиноят кодекси Махсус қисмининг айрим моддаларида иштирокчилик шаклларининг квалификацияга таъсир этиши, яъни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бриктириб содир этиши, шахснинг жавобгарлигини оғирлаштириши акс эттирилган. И.А. Соттиев таъкидлаганидек “⁸Жиноят кодекси моддаларида иштирокчилик шаклларининг квалификация қилувчи белгиларини аниқлаб берадиган қисми, гуруҳ иштирокчиларининг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо бериш, яъни квалификация қилиш уч йўналишда олиб бориш кераклиги кўрсатиб ўтилган: биринчи йўналиш, бир гуруҳ шахсларнинг жиноят содир этишининг ўзи (иштирокчилик шаклидан қатъий назар) жиноятни квалификация қилиш учун етарли деб топилади ва барча иштирокчилик шакллари бир норма билан ҳуқуқий баҳоланади; иккинчи йўналишда, квалификация қилиш учун бир гуруҳ шахсларнинг иштироки билан биргаликда олдиндан тил бириктиришнинг мавжуд бўлиши зарурий шарт

⁶ Мухитдинов Ф.М. Жиноят-процессуал шакл: назарий ва методологик муаммолар. юрид. фан. д-ри. ... дис. – Т., 2005. – Б. 341-342.

⁷ Соттиев И.А. Уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг ҳуқуқий воситалари: Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон республикаси ИИВ Академияси, 2005. – Б. 51. (жами 72 б.)

⁸ Соттиев И.А. Уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг ҳуқуқий воситалари: Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон республикаси ИИВ Академияси, 2005. – Б. 51-52. (жами 72 б.)

сифатида кўрсатилган. Бу йўналишда иштирокчиликнинг мураккаб ва уюшган гуруҳ шаклларининг ҳаракатлари битта норма билан квалификация қилинади. Учинчи йўналиш, бир гуруҳ шахслар ҳаракатини квалификация қилиш учун гуруҳда қатнашаётган шахсларнинг бевосита жиноий фаолият билан шуғулланишлари асос қилиб олинган. Бу белгилар билан иштирокчиликнинг барча шакллари, яъни оддий иштирокчилик (олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этган гуруҳ), мураккаб иштирокчилик (олдиндан тил бириктириб жиноят содир этган гуруҳ), уюшган гуруҳ ва жиноий уюшма тегишли жиноятларни содир этган тақдирда квалификация қилинади”. “Бир гуруҳ шахслар томонидан” жиноят содир этиш квалификация қилинадиган белги бўлиб, барча иштирокчилик шакллари шу белги билан жиноий жавобгарликка тортилади. Қонунда бундай муносабат жиноятни икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг жиноят содир этиши билан боғлиқ бўлиб, иштирокчиликнинг барча шакллари ушбу жиноятларни содир этишда деярли бир хил хавф туғдиради. Бу йўналишнинг асосида жиноятда иштирок этаётган шахсларнинг сон кўрсаткичи ётади. Қонун айрим ҳолатларда иштирокчиликнинг уюшган шакллари мураккаб иштирокчилик шакли билан бир хил квалификация қилиниши кераклигини кўрсатади. Бу каби белгиларда мураккаб иштирокчилик шакли билан бирга, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшмаларнинг ҳаракатлари ҳам ҳуқуқий баҳоланади, яъни квалификация қилинади. Бу йўналишда икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг қатнашганлиги ва бу ҳақда олдиндан келишиб олганлик факти ётади”.

Демак, юқоридаги умумий таҳлиларга асосланган ҳолда, Жиноят кодекси Махсус қисми тегишли моддасида бевосита бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноий ҳаракатни квалификация қилувчи белги кўрсатилган бўлса, у ҳола қилмиш мазкур банди билан квалификация қилинади. Агарда, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни кўзда тутувчи моддада бир гуруҳ шахсларнинг ҳаракатига баҳо берувчи белги мавжуд бўлмаган тақдирда, бир гуруҳ шахслар томонидан жиноят содир этилганлигини ўзиёқ, Жиноят кодекси 56-моддасига асосан жазонинг оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади ва судлар томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олинади. Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 32-моддасига асосан, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади ва маъмурий судлар томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олинади.